

01-06/05
03.07.2018 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
“Ўзархив” агентлиги
Бош директори
У.Аъламов
“ _____ ” июль 2018 йил

“Ўзархив” агентлиги Хайъатининг йиғилиши
БАЁННОМАСИ

2018 йил 3 июль

№ 5

Тошкент ш.

Раислик қилувчи: У.Б.Аъламов - “Ўзархив” агентлиги бош директори

Қатнашганлар: Д.Л.Кучарова - “Ўзархив” агентлиги бош директори ўринбосари,
Хайъат раиси ўринбосари;
А.Ж.Махамматов - Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директори, Хайъат аъзоси;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорлари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар давлат архиви директорлари, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари бўлим мудирлари, Тошкент вилоят туман (шаҳар) давлат архивлари директорлари

КУН ТАРТИБИ

I. Республика давлат архивларининг 2018 йил I ярим йилликдаги ижтимоий-иқтисодий фаолият якунлари тўғрисида;

1.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Ўзархив” агентлиги тизимидаги архивлардаги ижро интизоми ва иш юритиш ҳолати тўғрисида;

1.2. “Ўзархив” агентлигининг 2018 йил II ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режаси тўғрисида.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 478-сон қарори ижроси тўғрисида:

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

I. Республика архивларининг 2018 йил I ярим йилликдаги ижтимоий-иқтисодий фаолият якунлари тўғрисида

(У.Аъламов, А.Менглиев, Д.Кучарова, А.Турапов, Б.Ахмедов, Д.Закирова, А.Махамматов, Ш.Содиқов, А.Махамматов, У.Аъламов)

1. “Ўзархив” агентлиги Бош директори У.Аъламовнинг Республика архивларининг 2018 йил I ярим йилликдаги ижтимоий-иқтисодий фаолият якунлари тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2018 йил I ярим йиллигига мўлжалланган режасига кўра **54 та** кўрсаткичлар бўйича бажарилиб, **31 та** кўрсаткич бўйича ошириб бажарилганлиги;

ҳисобот даврида республика давлат архивлари пулли хизматларининг умумий ҳажми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсганлиги ва **5,8 млрд.** сўми, ўсиш суръати **140 %** (2017 йил I-ярим йиллик якунида – 4,1 млрд. сўм) ташкил этганлиги;

2018 йил I ярим йиллик мобайнида кўчмас мулк объектларини ялпи хатловини ўтказилиши билан боғлиқ **1,2 млрд.** (2017 йил I-ярим йиллигида 499,1 млн.) ҳажмдаги пулли хизматлар бепул бажарилганлиги;

Агентлик томонидан давлат архивлари сақловида бўлган шахсий таркибга оид ҳужжатларнинг рўйхатларини рақамлаштириш ва электрон базасини яратиш ишлари олиб борилиб, бугунги кунда жами **4 205 543 с.б.** мавжуд **1 441 013 та** рўйхат рақамлаштирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг алоҳида қимматли ҳужжатлари электрон шаклини яратиш ишлари жадаллаштирилишига эришилганлиги ва МАФга киритилган алоҳида қимматли ҳужжатларни ҳисобот даври давомида **1 379 887** қоғоз, **19 094** суръат, **150 та** кино ва **179 та** овозли ҳужжатларининг электрон нусхалари ҳамда **28 040** сақлов бирлигидаги қоғоз асосдаги ва **6 210** ҳисоб бирлигидаги суръат ҳужжатлардан **34 250 та** библиографик маълумотлари яратилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштириш тизимини тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори қабул қилинганлиги,

“Архив иши тўғрисида”ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 49-сон қарорига ўзгартириш киритиш бўйича тегишли идоралар билан келишувдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасига лойиҳа ҳужжатлари киритилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Шу билан бирга,

Республикада давлат архивлари томонидан асосий фаолият бўйича амалга ошириладиган айрим ишлар талаб даражасида эмаслиги, жумладан:

2018 йил I-ярим йиллиги учун белгиланган режаларни бажаришда архив ҳужжатлари асосида радио эшитириш тайёрлаш **Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивида (80%)**ни,

мақола тайёрлаш **Сирдарё вилоятида (57 %), Наманган вилоятида (97 %)** ни,

алоҳида қимматли ҳужжатлари аниқлаш **Наманган вилоятида (55 %)** ни,

шахсий таркиб ҳужжатларини рўйхатлаш **Фарғона вилоятида (78 %)** ни,

илмий-техник ҳужжатларни қимматдорлигини экспертизалаш **Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивида (73 %)**ни;

ташкилотларда архив ишини ялпи ўрганиш ўтказиш **Қорақалпоғистон Республикасида (76 %)** ни;

ташкилотларда архив ишини назорат ўрганиш ўтказиш **Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивида (54%)**ни;

ходимлар малакасини ошириш **Наманган вилоятида (64%)** ни ташкил этиб, **сусткашликка йўл қўйилаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин;**

Давлат архивлари сакловида бўлган архив ҳужжатларини **фондлаштириш ва қайта фондлаштириш** ҳамда **ҳужжатлар хатловини такомиллаштириш** борасида ишлар **қоникарли ташкил этилмаганлиги жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин.**

2017 йил 27 ноябридаги “Ўзархив” агентлиги (01-06/5-сон) Хайъатининг кенгайтирилган йиғилиши 5-сон баённомасининг:

6-бандида 2017 йил IV чорак давомида **Қорақалпоғистон Республикаси (режалаштирилган қайта фондлаштириш 37 фонддан 24 988 с.б.)** архив иши ҳудудий бошқармаси ва **Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (9 фонддан 1 279 с.б.)** томонидан қайта фондлаштириш ишларини **яқунига етказилиши белгиланганлигига қарамасдан 2018 йил 1-ярим йиллик яқунига қадар мазкур ишлар амалга оширилмаганлиги;**

7-банди 2-хатбошида давлат архивларига қабул қилинган ва расмийлаштиришган ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш далолатномаларни ҳар чорак бўйича далолатномалар нусхаларини Агентликка (PDF шаклда) тақдим қилиниши таъминланиши белгиланганлигига қарамасдан 2018 йил 1 ярим йиллик яқуни бўйича бирорта марказий давлат архиви ва архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан Агентликка **тақдим қилинмаганлиги (Фарғона АИХБ си бундан мустасно);**

Бухоро (120 фондда 60 231 с.б. 2018 йил 1 ярим йиллигида 108 фондда 57 777 с.б.), Наманган (149 фондда 27574 с.б. 2018 йил 1 ярим йиллигида 109 фондда 27 194 с.б.), Тошкент вилояти (439 фондда 101 504 с.б. 2018 йил 1 ярим йиллигида 439 фондда 101 504 с.б.) АИХБ томонидан қайта фондлаштириш ишларини тезкор амалга оширилиши **таъминланмаганлиги жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин.**

3. Агентлик бўлим бошлиғи А.Менгилев, Агентлик бош мутахассиси А.Амиров Давлат архивлари сакловида бўлган архив ҳужжатларини **фондлаштириш ва қайта фондлаштириш** ҳамда **ҳужжатлар хатловини такомиллаштириш** борасида камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан тегишли интизомий жазо кўриш бўйича **уч кунлик муддатда тақлиф киритсинлар.**

4. **Ўзбекистон Республикаси илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви (Б.Ахмедов), Қорақалпоғистон Республикаси (М.Қаипназаров), Сирдарё (М.Каримкулов), Наманган (Н.Ахмадалиев), Фарғона (Ю.Камолов) вилояти** архив иши ҳудудий бошқармалари раҳбарлари асосий иш режасидаги белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш **чораларини кўрсинлар;**

кўрсатиб ўтилган камчиликлар бўйича ҳар бир архивда ўрганиш ўтказиб, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича амалий **чора-тадбирлар белгиласинлар;**

амалга оширилган ишлар юзасидан **бир ой муддатда** Агентликка маълумот киритсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви директорлари асосий иш режасидаги белгиланган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатини таъминлаш **чораларини кўрсинлар.**

6. Агентлик бўлим бошлиғи А.Менглиев, Агентлик Назорат сектори Ш.Ҳожибоев **2018 йил 1-ярим йиллиги** учун белгиланган режаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйган архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва марказий давлат архивлари директорларига нисбатан интизомий чора кўриш бўйича тақлиф киритсинлар.

7. Фарғона вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан вилоятдаги давлат архивларида мавжуд доимий сақловдаги ҳужжатларни вилоят бўйича марказлашган ҳолда сақланишини таъминлаш бўйича амалий таклифлари **маъқуллансин**.

8. Агентлик бўлим бошлиғи А.Менглиев, Фарғона вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ю.Камолов:

Фарғона вилояти туман, шаҳар давлат архивларида мавжуд доимий сақловдаги ҳужжатларни ҳавфсизлигини таъминлаш, сақлов шароитларини яхшилаш мақсадида Фарғона вилоят давлат архивда марказлашган ҳолда сақлаш пилот лойиҳа сифатида ташкил қилинсин;

Фарғона вилояти туман, шаҳар давлат архивларида мавжуд доимий сақловдаги ҳужжатларни Фарғона вилоят давлат архивда марказлашган ҳолда сақлаш учун амалга ошириладиган ишлар бўйича аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқсинлар;

фуқароларнинг сарсонгарчилигини олдини олиш мақсадида Фарғона вилояти туман шаҳар давлат архивлари ва уларнинг филиаллари барча даражадаги сўровларни, жумладан доимий сақловдаги ҳужжатлари бўйича ҳам сўровларни қабул қилинишини ва архив маълумотномаларни фуқаро мурожат этган жойдан олинишини таъминласинлар;

Фарғона вилояти, туман, шаҳар давлат архивларида мавжуд доимий сақловдаги ҳужжатларни Фарғона вилоят давлат архивда марказлашган ҳолда сақлаш учун амалга ошириладиган ишлар юзасидан **ҳар ойнинг охирида** Агентлик раҳбариятига маълумот киритиб борсинлар.

1.1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва “Ўзархив” агентлиги тизимидаги архивлардаги ижро интизومي ва иш юритиш ҳолати тўғрисида

(У.Аъламов, О.Хасанова, Ш.Хожибоев, А.Менглиев, А.Махкамов, Д.Кучарова, А.Маҳамматов, У.Аъламов)

9. “Ўзархив” агентлиги тизимидаги архивларда 2018 йил I ярим йиллик давомида ижро интизومي, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, орқаликелиб тушган мурожаатлар ижроси ҳолати ва бу борада йўл қўйилган камчиликлар юзасидан “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи О.Хасанова, назорат сектори Ш.Хожибоевларнинг ахбороти, хусусан:

2018 йил I ярим йиллик давомида Агентликка келиб тушган ҳужжатлар **1 113** тани, юборилган ҳужжатлар **554** тани, **184** та асосий фаолиятга оид, **50** та шахсий таркибга оид буйруқлар ва **12** та фармойишни ташкил этганлиги;

2018 йил I ярим йиллик давомида Агентлик томонидан **222 та** шундан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари (**15 та**) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, формойиши ва қарорлари (**107 та**) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (**100 та**) ижроси юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинганлиги;

“Ўзархив” агентлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами **323 та, жумладан** Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали **255 та**, my.gov.uz портали орқали **27 та**, Ишонч телефони орқали **12 та**, Бош директор виртуал қабулхонаси орқали **7 та**, Агентликка ёзма тарзда **22 та** мурожаатлар келиб тушганлиги, (Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси **247 та**, my.gov.uz **27 та**, ишонч телефони

7 та, Бош директор виртуал қабулхонаси **6 та**, Агентликка ёзма тарзда **15 та**) Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ тааллуқлилиги бўйича тегишли жойларга юборилганлиги;

давлат архивларига жами жисмоний ва юридик шахслардан **2048 та** мурожаатлар келиб тушганлиги ҳамда ушбу мурожаатлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилганлиги;

шунингдек, 2018 йил I ярим йиллик давомида давлат архивларига жами **126 780** (103 %) ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар келиб тушганлиги (2017 йил 1 - ярим йиллигида - 122 002 та), **109 666** нафар фуқаро архивга шахсан мурожаат этганлиги;

Архив ҳужжатлари асосида **110 392 та** сўровлар бажарилиб, улардан **107 082 таси** ижобий, **6 721 таси** салбий жавобларни ташкил этганлиги;

сўровлар асосан эвакуация, меҳнат стажи, иш ҳақи, тақдирланиш, ўқиш даврини тасдиқлашдан иборат бўлганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

10. Шу билан бирга, ижро интизомини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника тиббиёт ҳужжатлари марказий архиви (**Б.Ахмедов**), Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлар марказий давлат архиви (**Д.Закирова**), Сурхондарё (**Б.Абдушукуров**), Наманган (**Н.Ахмадалиев**), Сирдарё (**И.Каримкулов**), Қашқадарё (**Ш.Турсунов**), Тошкент (**Г.Бекмухаммедова**) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Ҳукуматнинг қарорлари, “Ўзархив” агентлигининг буйруқлари, фармойишлари, баёнлари ва топшириқларини ижросини бажарилишида сусткашликка йўл қўйиб келаётганлиги;

Агентлик томонидан юборилган хат ва топшириқларни Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (3 та), Наманган (3 та), Қашқадарё (3 та), Қорақалпоғистон Республикаси (2 та), Бухоро (2 та), Фарғона (2 та), Сирдарё (2 та), Тошкент (2 та), Самарқанд (1 та), Сурхондарё (1 та) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви (1 та) директорлари, томонидан ўз вақтида ижроси таъминланмаганлиги **жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин.**

11. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (А.Махамматов), Наманган (Н.Ахмадалиев), Қашқадарё (Ш.Турсунов), Қорақалпоғистон Республикаси (М.Қаипназаров), Бухоро (Ғ.Умаров), Фарғона (Ю.Камолов), Сирдарё (И.Каримкулов), Тошкент (Г.Бекмухаммедова) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари Агентлик томонидан юборилган хат ва топшириқларни ўз вақтида ижроси таъминланмаганлиги **учун жиддий огоҳлантирилсинлар.**

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси “**PM.gov.uz** портали”, орқали келиб тушаётган мурожаатларни ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик томонидан чиқарилаётган топшириқлар ижроси республика архивлари томонидан ўз вақтида ва сифатли таъминланмаётганлиги,

айрим архив ходимларининг, айниқса мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни билан тўлиқ таниш эмаслиги, бунинг оқибатида эса қуйидаги жиддий хато-камчиликлар кузатилаётганлиги, жумладан:

шунингдек, жойлардаги **халқ қабулхоналари** томонидан тўғридан тўғри тушган мурожаатлар яъни, Сирдарё (**1 та**), вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан мурожаатлар 15 кунлик муддатдан кечиктириб бажарилганлиги;

Сурхондарё вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан, my.gov.uz порталидан келган 3 та мурожаатни кечиктириб очганлиги ва бу ҳолат Агентликнинг АКТни ривожлантириш индекси тизимида рейтинг даражаси пасайиб кетишига сабаб бўлганлиги **жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин;**

13. Агентлик бўлим бошлиғи (О.Хасанова):

“Архив хизматларини кўрсатиш Маркази”да иш фаолиятида ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ижро этиш бўйича камчиликларга йўл қўйган масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораларини кўриш учун **уч кунлик муддатда** таклиф киритсин;

14. Сирдарё (**И.Каримкулов**), Сурхондарё (**Б.Абдушукуров**) вилояти архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари мурожаатларни ижросини ўз вақтида таъминланишида масъулиятсизликка йўл қўйган ходимларга нисбатан **сўзсиз интизомий жазо чоралар кўрсинлар.**

15. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорлари:

архивларда ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар ва мурожаатлар билан ишлашда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли тартибда интизомий жазо чораларини кўрсинлар;

ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар ва мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларнинг доимий тарзда малака ошириб боришларини таъминласинлар;

бир ҳафталик муддатда Агентликнинг Ҳайъат йиғилишларида берилган топшириқ ва вазифаларни ҳар бирини ижроси юзасидан қилинган ишлар бўйича Агентликка маълумот киритсинлар;

ходимларни архив соҳасига бўлган садоқатини ошириш ва бирдамлигини таъминлаш ҳамда соҳада амалга оширилаётган ишларни ижросини таъминлашда сидкидилдан ёндашишларини янада ошириш мақсадида турли даражадаги тадбирларни ташкил қилсинлар;

касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда архив соҳасида фаолият юритаётган ходимларни жалб қилган ҳолда маданий ва маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

1.2. “Ўзархив” агентлигининг 2018 йил II ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режаси тўғрисида

(У.Аъламов, А.Менглиев, Д.Кучарова, А.Турапов, А.Махамматов, У.Аъламов)

16. “Ўзархив” агентлиги Бош директори У.Аъламовнинг “Ўзархив” агентлигининг 2018 йил II ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режасини шакллантиришда, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси “Архив иши тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунларига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.1999 йилдаги “Архив иши бўйича меъерий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 482-сон, 03.02.2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 49-сон, 05.04.2012 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 101-сон, 22.04.2014 йилдаги “Архивларнинг асосий иш

турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқариш намунавий нормаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 100-сон, 31.12.2013 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 355-сон, 27.10.2016 йилдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сон қарориларига;

“Давлат ва хўжалик бошқарув органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида архив ишининг аҳволи ва уни такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларнинг (9.12.2015 й 99-А-сон, 30.12.2016 й. 118-сон Баёни)да, белгиланган вазифалар ҳамда ушбу юзасидан “Ўзархив” агентлигининг Назорат Режасида белгиланган топшириқларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2009 йил 30 октябрда тасдиқланган “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш Тартиби” асосидаги 1- ва 2-жадваллар билан ишлашга;

“Ўзархив” агентлиги ахборот тизимида ишлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича тасдиқланган Йўриқнома ва Регламентга асосан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматларини кўрсатишни таъминлаш, архивларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, жумладан архивларда инфокиоскларни ўрнатиш ва самарали ишлашни таъминлашга;

Агентликка ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларига фуқаролардан меҳнат стажи ва ойлик маошни тасдиқлашга оид келиб тушаётган сўровларнинг сони ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд бино-иншоотлар кадастрини юритиш, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларини ялпи йўқламадан ўтказишда махсус ишчи гуруҳлардан келиб тушаётган мурожаатларнинг ортиб бораётганлигига;

Республикадаги тугатилган ташкилотлар ҳужжатларини тартибга келтириш ва давлат сақловига қабул қилишга;

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларида (келишувга асосан) архив иши ва иш юритиш ҳолатини ўрганишга;

Архив ҳужжатлари сақловини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш (янги ва қўшимча бинолар, ҳужжатхоналар қурилиши, капитал ва жорий таъмирлаш, жиҳозлаш масалалари ва бошқалар)га;

Архивларда ишчи ўринларни автоматлаштириш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга;

Республика давлат архивлари ўқувхоналарида тадқиқотчилар буюртмалари бўйича фойдаланиладиган ҳужжатларни электрон нусхаларини яратиш орқали (компьютерда электрон вариантдан фойдаланишни йўлга қўйиш) асл ҳужжатдан фойдаланишни камайтиришга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ҳар ойда тизимдаги архив идоралари ҳамда жамлаш манбалари ташкилотларида, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари жамлаш

манбалари ташкилотларнинг идоравий архивларида архив иши бўйича амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини ўрганишга;

Архивлардаги шахсий таркиб ҳужжатлари рўйхатларини такомиллаштириш ва рақамлаштиришга;

архивларнинг бюджетдан ташқари топилган маблағлари эвазига аутсорсинг хизматидан фойдаланган ҳолда алоҳида қимматли архив ҳужжатларни рақамлаштириш ишларини яқунлашда нималарга эътибор қаратиш кераклиги тўғрисида ахбороти **маълумот ва ишда қўллаш учун қабул қилинсин.**

17. Агентлик бўлим бошлиқлари ва бош ҳисобчиси (А.Менглиев, А.Турапов, О.Хасанова, С.Юнусходжаева):

“Ўзархив” агентлигининг 2018 йил II ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режасини шакллантиришда **2018 йилнинг 5 июлига қадар** барча архив иши ҳудудий бошқармалари ва марказий давлат архивларидан 2018 йил учун ўз фаолиятларида мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб олинган миқдорий кўрсаткичларини ва “Ўзархив” агентлигининг 2018 йил II ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режасига таклифларни олсинлар;

2018 йилнинг 6 июлига қадар барча архив иши ҳудудий бошқармалари ва марказий давлат архивларидан олинган таклифлар бўйича ҳар бир масалага алоҳида эътибор бериб, умумлаштирилган ҳолда Агентликнинг 2018 йил II ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режасининг лойиҳасини Агентлик раҳбариятига киритсинлар;

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 478-сон қарори ижроси тўғрисида.

(У.Аъламов, Б.Ахмедов, А.Махамматов, А.Махкамов, А.Турапов, У.Акрамова, У.Аъламов)

18. Агентлик бош директори У.Аъламовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 478-сон қарори ижроси тўғрисидаги ахбороти **маълумо учун қабул қилинсин.**

19. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари архив соҳасида янгилашни соҳани ривожлатиришга қаратилган лойиҳа ва таклифлар ишлар чиқишда амалга ошираётган ишлари ўта қониқарсиз эканлиги;

Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан архив соҳасида амал оширалаётган ишлар доирасида инвестиция жалб қилишга умуман эътибор қаратилмаганлиги;

соҳани ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва таклифлар киритилмаганлиги **жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин.**

20. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорлари:

бир ойлик муддатда архив соҳасида инвестиция жалб қилиниши мумкин бўлган ҳар бир йўналишни кўриб чиқсинлар ва таклиф киритсинлар;

икки ойлик муддатда архивлар сақловида бўлган хужжатлар асосида турли даражадаги халқаро грандларга қатнашиш бўйича соҳадаги тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқсинлар ва Агентликка киритсинлар;

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 478-сон қарори ижроси юзасидан Агентликда инвестиция жалб қилишга қаратилган йўл харитаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. Агентлик бўлим бошлиғи А.Турапов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 478-сон қарори ижроси юзасидан Агентликда инвестиция жалб қилишга қаратилган йўл харитасининг ижросини назорат қилиб борсин ва амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойни охирида Агентлик раҳбариятига маълумот киритсин.

23. Агентлик бўлим бошлиқлари, Назорат сектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорларини рағбатлантирилишида ижро интизоми ҳолати алоҳида ҳисобга олинишини назарда тутсинлар.

24. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назоратни Ҳайъат котиби А.Менглиев ва Агентлик Назорат сектори Ш.Ҳожибоев зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат котиби

А.Ў. Менглиев

